

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА НИГОРА ХУСНУЛЛАЕВНА**

**ТРИТЕРПЕН ГЛИКОЗИДЛАР, ФЛАВОНОИДЛАР ВА  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ЭКДИСТЕРОИДЛАРНИНГ  
ТАЖРИБАВИЙ ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА САМАРАДОРЛИК  
ТАЪСИРИНИ ФАРМАКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашева Нигора Хуснуллаевна**

Тритерпен гликозидлар, флавоноидлар ва модификацияланган экистероидларнинг тажрибавий қандли диабетда самарадорлик таъсирини фармакологик баҳолаш.....3

**Юлдашева Нигора Хуснуллаевна**

Фармакологическая оценка эффективности действия тритерпеновых гликозидов, флавоноидов, модифицированных экистероидов при экспериментальном сахарном диабете.....23

**Yuldasheva Nigora Khusnullayevna**

Pharmacological evaluation of the effectiveness of triterpene glycosides, flavonoids, modified ecdysteroids in experimental diabetes mellitus.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List published works.....47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА НИГОРА ХУСНУЛЛАЕВНА**

**ТРИТЕРПЕН ГЛИКОЗИДЛАР, ФЛАВОНОИДЛАР ВА  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ЭКДИСТЕРОИДЛАРНИНГ  
ТАЖРИБАВИЙ ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА САМАРАДОРЛИК  
ТАЪСИРИНИ ФАРМАКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib433 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сыров Владимир Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Даминова Лола Турғунпўлатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нажмиддинова Дилором Қамариддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В.Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимида қандли диабет билан касалланиш глобал тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири саналади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қандли диабет (ҚД) билан оғриган беморлар сони бугунги кунда 415 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Халқаро диабетологлар федерацияси мутахассисларининг фикрига кўра, уларнинг сони 2025 йилга келиб 642 миллионга етади, бунда уларнинг 90%-ини 2-тур қандли диабетга (ҚД 2) чалинганлар ташкил қилади. Соматик касалликлардан ўлим сабаблари орасида диабет касаллиги юрак-қон томир ва онкологик касалликларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Жаҳонда ҚД ни эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ҚД ни даволаш учун ўрнини босувчи инсулинотерапия ёки бир неча синфларга тегишли синтетик перорал қанд миқдорини туширувчи препаратлар қўлланилади. Аммо, диабет фармакотерапияси соҳасидаги сезиларли ютуқларига қарамадан, уни даволаш муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган, бундан ташқари, замонавий гипогликемик моддаларнинг кўпчилиги бир қатор ножўя таъсирларга эга. Шу сабабли, халқ табобатида азалдан диабет касаллигини даволаш учун ишлатилиб келган ўсимликлардан ажратилган турли хил табиий моддаларни қидириш ва ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Бу ўсимликлардан ажратиладиган алкалоидлар, бициклик дитерпеноидлар, лектинлар ва бошқаларга тегишли бўлган баъзи моддалар сезиларли даражадаги қанд миқдорини камайтирувчи таъсирга эга бўлишлари мумкинлиги кўрсатилган. Бу уларнинг асосида янги самарали гипогликемик воситаларни ишлаб чиқиш истиқболларини очади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб, айниқса кейинги йилларда маҳаллий фармацевтика саноатини такомиллаштириш бўйича маҳаллий хом-ашё асосида юқори сифатли, жумладан, гипогликемик таъсирга эга бўлган дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясидаги беш устувор йўналишларидан тўртинчисида қуйидагилар асосий вазифа этиб белгиланган: "...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш...".<sup>1</sup> Шу муносабат билан, ўсимликлардан олинadиган янги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони.

гипогликемик воситаларни излаш ва яратиш бўйича изланишлар олиб бориш миллий фармакология соҳасидаги ишларнинг долзарб ва ўта зарур йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сонли “2016-2020-йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 14-февралдаги ПҚ-3532-сонли “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология”. устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қанд миқдорини камайтириш хусусиятига эга дори-дармон ва БФҚларни яратишда, қуйидаги Ўзбекистон олимлари катта хисса қўшганлар: А.А. Обидов, Х.У.Алиев, Х.М.Комилов, Г.М.Маликова, Ф.Ф. Ўрмонова, З.Т.Файзиева, Б.Р.Хўжаев, Х.Х.Холматов. Уларнинг тадқиқотлари ушбу йўналишдаги истиқболли бўлган маҳаллий ўсимлик ресурсларини излаш, уларни кимёвий-биологик жиҳатдан ўрганиш, гипогликемик таъсирга эга бўлган, ҳамда организмдаги бузилган углевод алмашинувиغا ижобий таъсир кўрсатувчи экстракцион дори-дармонларни олишга қаратилган.

МДХ мамлакатлари олимлари: М.Б.Анциферов, Г.М.Гараев, Р.Е. Жафарова, В.Ф. Корсун, Д.С.Молоковский, Ю.Н.Нуралиев, С.Я.Соколов, Н.Г.Тазина, Т.Е.Трумпе, М.У.Шарафова, Д.З.Шукюровлар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар гипергликемик ҳолатларни даволаш учун турли хил ўсимлик дори-дармонлар ва озиқ-овқатга БФҚларни ишлаб чиқишга, кўп йиллик клиник амалиётда ижобий баҳоланган диабет касаллиги учун фитотерапиянинг асосий тамойилларини белгилаб берди. Бу ҳақда, хусусан, Россияда рўйхатга олинган 15 000 дан зиёд дори-дармонлардан қарийб 40 фоизи ўсимлик хом-ашёсидан ишлаб чиқилиши ва уларнинг катта қисми эса қандли диабетни даволаш ва олдини олишда қўлланилиши далолат беради.

Кўпгина хорижий давлатлар олимлари J.Ahmed, M.Gray Alison, D.D.Gapta, P.Khosla, C.Konna, J.A.Ojewole, S.S.Rathi, A.Sironi, T.Yoshida лар томонидан жаҳон ўсимликлар дунёсида гипогликемик хусусиятларга эга ўсимликларни аниқлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, улар таркибида, тегишли таъсир учун жавоб берувчи моддалар мавжудлиги аниқланди. Ушбу тадқиқотлар турли мамлакатлардаги халқ табobatiда диабет касаллигини даволаш учун қўлланиладиган ўсимликлар 152 тур ва 50 оилага тегишли эканини аниқлашга имкон берди. Бу ўсимликлар кўпчилигининг тажриба шароитида гипогликемик таъсирга эга эканликлари ушбу масалага

оид замонавий илмий нуқтаи назарлар ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди. Бу бирикмаларнинг таъсир қилиш механизми, уларнинг организмдаги фармакодинамикаси батафсил ўрганиладики, бу диабетологик амалиёт учун янги самарали фитопрепаратларни яратишга ёрдам беради.

Бугунги кунда матхин, кахраболи-кузинийли мажмуаси, диакар, гликоразмулин, новобет, арфазетин, галегамин, топивит, диабетокс, глюкейр, диабетта, мирфазин ва бошқалар каби дори-дармонлар ва БФҚлар яхши маълум. Бироқ, ўсимлик хом-ашёси асосида яратилган, асосан фитоламламалар (ўсимликлар жамламалари)дан иборат бўлган қанд микдорини туширувчи препаратларнинг кўпчилиги нисбатан кучсиз гипогликемик таъсирга эга, чунки улардаги фаол асосларнинг етарли концентрациясини яратиш имкони бўлмапти, уларнинг таъсири эса, одатда, фақат енгил диабет касаллигида намоён бўлади ва уларни стандартлаштириш ва дозалаш қийин. Шунинг учун, фақатгина ўсимликлардан ажратилган таъсир этувчи моддалар табиатини билиш, уларнинг углевод алмашинуви ва у билан боғлиқ бошқа метаболик жараёнларга таъсирини чуқур ўрганиш маълум даражада диабетга қарши синтетик препаратлар билан рақобатлаша олувчи ёки, умуман, уларнинг организмга таъсирини оптималлаштира оладиган юқори самарали воситаларни яратишга олиб келиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ушбу диссертациянинг зарурлигини ва мақсадга мувофиқлигини белгилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ФА-А10-Т196 “Метаболик синдромдаги бузилишларни фармакологик тузатиш учун табиий терпеноидлар, алкалоидлар ва фенол бирикмалари асосида бешта маҳаллий препаратни ишлаб чиқиш” (2011-2014), 6-КХ-0-18571 «Ўсимлик моддалари технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш: фармацевтика саноати учун *Tribulus terrestris* куруқ экстракти, *Passiflora incarta* куруқ экстракти ва метформин” (2014-2015), ФА-А11-Т031 “Экдистерон ва унинг ярим синтетик ҳосилалари асосида қандли диабет касаллигини даволаш учун янги самарали дори воситасини ишлаб чиқиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тритерпен гликозидлар, флавоноидлар, модификацияланган экдистероидларга тегишли бўлган бирикмаларнинг гипогликемик хусусиятларини аниқлаш ва уларни диабетга қарши фойдаланишдаги самарадорлигини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

скрининг тадқиқотларида ихтиёримизда мавжуд бўлган тритерпен гликозидлар, флавоноидлар, экдистероннинг ярим синтетик ҳосилалари ва таркибида экдистероидларни сақловчи мураккаб препаратлар ичидан соғлом ҳайвонларда ва турли гипергликемик ҳолатдаги ҳайвонларда ўтказилган

тажрибада яққол қанд миқдорини туширувчи таъсирга эга бўлган воситаларни аниқлаш;

турли даражадаги аллоксан диабетини билан чалинган ҳайвонларда, бу ҳолатда бузилган углевод ва липид метаболизминини оптималлаштириш, ҳужайрали тизимларнинг энергия салоҳиятини тиклаш, оксидловчи зўриқишнинг намоён бўлишини мўтадиллаш қобилиятига кўра, энг фаол гипогликемик воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш;

ўрганилаётган моддаларнинг алоҳида гуруҳлари орасида антидиабетик таъсирни ифодаланганлигини қиёсий баҳолаш, шунингдек уларнинг таъсирини маълум перорал (ичга қабул қилинадиган) синтетик ва ўсимлик бирикмалари (доривор ўсимликлар жамланмаси) препаратлари билан таққослаш;

антидиабетик фаоллиги таҳлил қилинаётган ва бугунги кунда улардаги мумкин бўлган панкреатик ва ҳам нопанкреатик таъсирлари нуқтаи назаридан амалий аҳамиятга эга воситаларнинг гипогликемик таъсири механизмининг асосий жиҳатларини аниқлаш;

ўрганилаётган бирикмалар алоҳида гуруҳлари айрим моддаларининг диабетда кўп учрайдиган жигар зарарланиши, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатларнинг кечишига таъсирини кўриб чиқиш;

потенциал гипогликемик воситалар сифатидаги ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмаларнинг бир қатор ўрганилаётган индивидуал, жамланган ва комбинацияланган препаратлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини умумий фармакологик ва токсикологик нуқтаи назардан асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти:** *Zygodhullum oxianum* дан олинган тритерпен гликозидларнинг жамланган препарати, *Thermopsis alterniflora*, *Pseudosophora (Vexibia) alopecuroides*, *Ammothamnus lehmanii* лардан олинган таркибида флавоноидларни сақловчи жамланма препаратлар, экдистероннинг ярим синтетик ҳосилалари ва *Ajuga turkestanica* дан олинган фитоэкдистероидлари билан *Helianthus tuberosus* тугунагидан олинган фруктоолигосахаридлари ва инулиндан ташкил топган комбинациялашган препарати.

**Тадқиқотнинг предмети:** лаборатория ҳайвонлари (соғлом ва турли гипергликемик ҳолатлардаги), шунингдек, аллоксан-диабетик ҳайвонлар ва шу фонда моделлаштириладиган жигар зарарланиши, яллиғланиш жараёни ва тери қатламларининг деструктив зарарланишига эга ҳайвонлари: оқ сичқон, оқ каламушлардан фойдаланилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тажрибаларда фармакологик, физиологик, патофизиологик ва биокимёвий усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор *Zygodhullum oxianum* дан олинган тритерпен гликозидларнинг жамланма препаратлари, *Thermopsis alterniflora*, *Pseudosophora alopecuroides*, *Ammothamnus lehmanii* дан олинган таркибида флавоноидларни сақловчи жамланма препаратларнинг соғлом ҳайвонлар ва турли гипергликемик



ҳолатдаги, шунингдек, аллоксан диабети шароитидаги ҳайвонларда намоён бўлувчи яққол гипогликемик таъсирга эга эканлиги исботланган;

илк бор маълум бир гипогликемик фаолликка эга бўлган экдистероид молекулаларининг кимёвий жихатдан ўзгартириш ёки уларнинг *Helianthus tuberosus* дан олинган биологик фаол моддалари билан бирлаштириш йўли орқали янада сезиларли гипогликемик таъсирга эга бўлган бирикмалар ва жамланма препаратларни қўлга киритиш мумкинлиги аниқланган;

тадқиқ қилинган воситалар ичида, аллоксан диабетидида қон таркибидаги қанд миқдорини камайтириш қобилияти бўйича энг фаоллари - маълум манинил дори воситасига нисбатан афзалликларга эга (улар узоқ муддатли қўллашда, шунингдек, юқори кўрсаткичлардаги гипергликемияда ўз таъсирини сақлайдилар), кўп ҳолларда метформиндан қолишмайдилар ва ўсимлик дори воситалари (жамланмалари) - арфазетин ва глюкокейрга нисбатан анча устунликка эга эканлиги исботланган;

тригерпен гликозидлар, флавоноидлар ва экдистероидларни (кўпроқ даражада) ўз ичига олган фитопрепаратларнинг гипогликемик таъсир механизмида аллоксаннинг ошқозон ости безининг морфо-функционал ҳолатига токсик таъсирларининг бартараф этилиши, инсулин таъсирини потенциалаш (кучайтириш) ва тўқималар томонидан глюкоза сўрилишини кўпайтирилиши аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

илк бор тригерпен гликозидлари, флавоноидлар ва экдистероидларни ўз ичига олган фитопрепаратлар яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланиб (экдистероидлар яллиғланишнинг экссудатив фазасига тўсқинлик қилади), шу билан бирга кейинги икки гуруҳ гепатопротектив таъсирга эга ва яра тузалишига боғлиқ ушбу патологик жараёнларнинг анча оғирлашишига сабаб бўлувчи аллоксанли диабетга чалинган ҳайвонларда жароҳат тузалишини стимуллаши исботланган;

флавоноидлар ва экдистероидларни ўз ичига олган баъзи препаратларда (экдистероидлар янада яққолроқ) тетиклаштирувчи ва адаптоген таъсирларнинг мавжудлиги аниқланиб, бу диабетни даволашда улардан узоқ муддатли фойдаланишда хавфсиз эканликлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: тригерпен гликозидлари, флавоноидлар, ҳамда инулин билан фруктоолигосахаридлар ўз ичига олган экдистероидларни комплекс ҳосил қилган жамланма препаратлари, шунингдек, экдистероннинг ярим синтетик ҳосилалари юқори даражада самарали гипогликемик воситалар эканлиги аниқланган;

улардан энг фаоллари антидиабетик воситалар сифатида, ҳам мустақил қўллашда, ҳам перорал синтетик антидиабетик воситалар билан бирга мақбул тарзда қўллашда, амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги аниқланган;

улардан баъзиларининг маълум синтетик антидиабетик дорилардан гипогликемик таъсирнинг яққоллиги ва намоён бўлиш хусусиятига кўра афзалликларга эга эканликлари, ножўя таъсирларга эга эмасликлари, диабетда

умумий хос бўлмаган (носпецифик) қаршилиқни кучайтиришлари, тетиклаштирувчи таъсир кўрсатишлари аниқланган;

*Ajuga turkestanica* дан олинган таркибида экдистероид сақловчи *Helianthus tuberosus* дан олинган инулин ва фруктоолигосахаридлардан иборат комплекс препарат асосида самарали гипогликемик восита сифатида намоён бўлган биологик фаол қўшимча (гипоглисан) ишлаб чиқилган;

Таркибида флавоноид сақловчи жамланма дори воситаси - флатеронни ўрганишдаги олинган маълумотлар асосида юқори даражада гипогликемик самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда унинг клиник қўлланишини кенгайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги**, улар, етарли миқдордаги лаборатория ҳайвонларида мос фармакологик, физиологик, патофизиологик, биокимёвий, токсикологик усуллардан фойдаланиш, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш, тадқиқот натижаларини амалда тадбиқ этиш, уларни республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилиш, тадқиқот натижаларини рецензияланувчи илмий нашларда чоп этиш ва патентлар олиниши билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тритерпен сапонинлари, флавоноидлар жамланма препаратлари, инулин ва фруктоолигосахаридларни ўз ичига олган фитоэкдистероидларни, ҳамда, баъзи ярим синтетик фитоэкдистероидларнинг нафақат гипергликемияда, балки турли оғирликдаги диабетда гипогликемик таъсир кўрсатишлари кўп ёқлама кўрсатиб берилди, уларнинг диабетда танадаги бузилган метаболизмга оптималлаштирувчи таъсир механизми аниқланди, баъзи ўрганилган препаратлар учун диабет билан ривожланаётган ва бир қатор патологик ҳолатлар (токсик гепатит, яллиғланиш, секин тузалаётган тери яралари) кечишининг тобора кучайиб бориш хусусиятига эга бўлишида фармакологик тузатувчи таъсирни намоён этиш қобилияти аниқланди, аниқланган тетиклаштирувчи ва адаптоген хусусиятлар тавсифлаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўтказилган тажрибалар натижасида, самарали гипогликемик воситалар сифатида, тритерпен гликозидлар ва флавоноидларни ўз ичига олган бир қатор жамланма моддаларни, уларнинг қанд миқдорини камайтирувчи таъсирини кучайтирадиган биологик фаол моддаларни қўшиш билан ҳосил қилинган экдистероидли комплекс дори-дармонларни ва айрим модификацияланган экдистероидларни яратиш ва профилактика ва даволаш мақсадларда кенг фойдаланиш истиқболлари очилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Флавоноидлар, экдистероидлар ва экдистероннинг ярим синтетик ҳосилаларининг аллоксанли диабетда гипогликемик таъсир самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

тетиклаштирувчи, актопротектив ва адаптоген таъсирга эга бўлган дори

воситасини ишлаб чиқиш усулига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (№ IAP 05395, 21.04.2017й.) олинган. Натижалар организмнинг, шу жумладан, диабетда, мослашувчанлик салоҳиятини оширувчи самарали дори воситасини қўлга киритишга имкон берган;

*Ammothamnus lehmanii* нинг ер юзидаги қисмидан гепатопротектив воситани олиш усулига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (№ IAP 05553, 20.02.2018й.) олинган. Натижалар, диабетда, жигарнинг метаболик-функционал ҳолатини нормаллаштириш учун гепатопротектив воситани қўлга киритишга имкон берган;

гипогликемик таъсирга эга бўлган 2,3-О-Ди-(этилкарбонат)-20,22-О-карбонат-20-гидроксиэксдизоннинг олиниш усулига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (№ IAP 20150331, 30.08.2018й.) олинган. Натижалар табиатда кенг тарқалган фитоэксдистероид - эксдистерондан яримсинтетик йўл билан юқори самарадорликка эга бўлган гипогликемик восита олиш имконини берган;

олинган натижалар асосида шунингдек “Гипоглисан” озуқага биологик фаол қўшимча (БФҚ) яратиш бўйича техник шартлари (Ts 23325453-002:2015) ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган. Гипоглисан Ўзбекистон Республикаси рўйхатига киритилган (ЎЗР ССВ сайтида рўйхатга олинган: [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)) гипогликемик биологик фаол қўшимча сифатида қўллаш учун рухсат берилган;

Флатерон – гипополидемик таъсирга эга бўлган “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” давлат унитар корхонасининг рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси олинган (№ 00198/07/15, 17 июл 2015й.). Натижада Флатероннинг диабетда гипогликемик таъсир кўрсатиши бўйича олинган маълумотларнинг қўлланилишини янада кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 3 та ихтирога патент олинган, 36 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишдарига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қандли диабетни медикаментоз ва фитотерапияси”** деб номланган биринчи боби иккита қисмдан иборат: “Диабетга қарши оғиз орқали қабул қилинадиган замонавий препаратлар” ва “Гипогликемик таъсирга эга бўлган доривор ўсимликлар ва индивидуал ўсимлик бирикмалари”, унда ҳозирги вақтда қўлланиладиган диабетга қарши оғиз орқали қабул қилинадиган синтетик воситаларининг самарадорлиги ва ножўя таъсирлари нуктаи назаридан кўриб чиқилган, уларнинг таъсир механизми акс этилган. Шунингдек қандли диабетда қўлланиладиган ўсимликларнинг ва индивидуал ўсимлик бирикмалари бўйича маълумотлар келтирилган. Улардан айримларини келажакда тиббиёт амалиётида қўллаш бўйича таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларда фойдаланилган тажриба ҳайвонлари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган тажриба ҳайвонлари (тури, вазни, жинси, физиологик ҳолати) ва қўйилган масалаларни ечимини берувчи услубий ёндашувлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу диссертация ишида: шартли равишда зигофит деб номланган *Zygophyllum oxianum* дан олинагн тритерпен гликозидларининг жамланган препарати (Сасмаков С.А., 2008); *Thermopsis alterniflora* (Батиров Э.Х., 1993; Юлдашев М.П., 2001), *Pseudosophora alopecuroides* (Юсупова С.М., 2009), ва *Ammothamnus lehmanii* (Халилов Р.М. ва ҳаммуалл., 2018) лардан олинган жамланган флавоноид сақловчи флатерон, фланорин ва аммофлан препаратлари; шунингдек экдистероннинг индивидуал ҳосилалари (Бобаев И.Д. ва ҳаммуалл., 2017) ва *Ajuga turkestanica* дан олинган фитоэкдистероидлари билан *Helianthus tuberosus* тугунагидан олинган фруктоолигосахаридлари ва инулиндан ташкил топган комбинациялашган препарати – гипоглисан (технологик лаборатория ходимлари томонидан яратилган) ўрганилди.

Референс препаратлар сифатида гипогликемик таъсирга эга бўлган ҳам синтетик: манинил, метформин, ҳам ўсимлик: арфазетин ва глюкокейр препаратлари ўрганилди. Барча ўрганилган жамланма препаратлар ва индивидуал бирикмалар ҳайвонларга оғиз орқали сувли эритма ҳолида, ёки ёмон эрувчи бирикмалар ўрик сақичи билан сувли эмульсия ҳолида юборилди. Зигофит 10 мг/кг дозада, флатерон, фланорин, аммофлан ва гипоглисан 50

мг/кг дозада, экдистерон ва унинг ҳосилалари 5 мг/кг дозада (олдинги тажрибаларда юқори фаолликка эгаллиги аниқланган) юборилди. Референс-препаратлар – манинил, метформин, глюкейр ва арфазетин мос равишда 5,0; 50,0; 50,0 ва 100,0 мг/кг дозада юборилди. Моддаларнинг гипогликемик таъсирини ўрганиш тажрибалари, шунингдек уларнинг организмдаги метаболик жараёнларга таъсири 180-200г ли оқ эркак каламушларда ўтказилди. Таҳлил учун уларнинг қони ўрганилаётган моддаларнинг юборилишидан олдин ва юборилгандан сўнг ҳар хил муддатларда дум венасидан олинди. Тажрибалар нормал ҳайвонлар, ҳамда экспериментал гипергликемияларга келтириб чиқарувчи оғиз орқали глюкоза (5000 мг/кг) ёки тери остига 150 мг/кг дозада аллоксангидрат (Чехия) юборилган ҳайвонларда ўтказилди. Моддаларнинг таъсирини аллоксанли диабет шароитида ўрганиш уни юборилгандан 21 кундан кейин бошланган. Қондаги (керак бўлса сийдикдаги) қанд миқдори Cypress diagnostics (Belgium) реактивлар тўплами ёрдамида Secomam Basic (Франция) биокимёвий анализаторида энзимо-колориметрик усулда аниқланди. Қон зардобидидаги инсулин миқдори иммунофермент таҳлил усули билан COBAS® (Roche Diagnostics GmbH) реактивлари ёрдамида аниқланди. Моддаларнинг жигардаги гликоген миқдорига таъсирини Lo S.et al. (1970) усули бўйича ўрганилди. Шунинг билан, жигарда сут кислота ва пироузум кислота (СутК ва ПУК) миқдори аниқланди (Камышников В.С., 2009). СутК ва ПУК тизими оксидланиш-қайтарилиш потенциали (СутК/ПУК ОҚП) олинган натижалар асосида ҳисобланди (Райскина М.Е. ва ҳаммуалл., 1970). Адениннуклеотидлар миқдори пастга тушувчи қоғозли хроматография усули орқали (Венкстерн Т.В., Баев А.А., 1957) аниқланди. Жигардаги триглицеридлар, фосфолипидлар ва холестерин миқдорини аниқланганда мос равишда Neri B.P., Frings C.S. (1973); Svanborg A.et al. (1961); Abell L.L. et al. (1952) усуллари қўлланилди. Липидларнинг перекисли оксидланиш (ЛПО) жараёнларининг жадаллиги малон диальдегиди (МДА) миқдори ўзгариши билан баҳоланди (Стальная И.Д., Гаришвили Г.Г., 1977). Ўрганилаётган моддаларнинг диабет шароитида оксидланишга қарши хусусиятлари каталаза (Королюк М.А. ва ҳаммуалл., 1980) ва супероксиддисмутаза (СОД) (Дубинина Е.Е. ва ҳаммуалл., 1983) ферментларининг фаоллиги бўйича аниқланди. Моддаларнинг ажратиб олинган диафрагма билан глюкозани истеъмол қилишига таъсирини ўрганиш Я.М. Кабак (1968) усули билан ўрганилди.

Каламушларда диабет фонида ривожланганидан гепатитни кечишига препаратларнинг таъсирини ўрганиш гепатотроп токсикант  $CCl_4$  қўлланиб (100г тана вазнига 1,0 мл дозада 50% ли ёғли эритма ҳолида бир маротаба рет ос юборилган) В.В.Слышков ва ҳаммуалл. (1987) усули билан олиб борилди. Уларнинг диабетли каламушларда яллиғланиш жараёнларига таъсири Г.Ю.Лавреновай ва И.П.Чернова (1983) усули билан, яраларнинг битишига самараси чизикли тери яралари моделида яратензиометрия усули (Убашеев И.О. ва ҳаммуалл., 1990) билан кўриб чиқилган. Препарат юборилганда

организмнинг адаптацион жараёнларига таъсири И.В. Дардымов (1976) усули билан ўрганилди, айрим текширилаётган препаратларнинг зарарсизлиги фармакологик моддаларнинг клиникагача тажрибавий ҳавфсизлиги кўрсатмалари ЎзР ССВ ФҚ (2000) бўйича таҳлил этилди. Тадқиқотнинг бажарилишида олинган сонли маълумотлар Стъудент t-критериясидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, Inc. (2001) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Зигофит, флатерон ва модификацияланган экдистеронларда гипогликемик таъсирга эга эканлиги ва яққоллигини ўрганиш натижалари”** деб номланган учинчи бобининг бошида ўрганилаётган жамланма ва индивидуал препаратлар бир маротаба юборилгандаёқ (энг яққол юборилгандан 3 соатдан сўнг) қондаги қанд миқдорини камайтириш хусусияти бўйича маълумотлар кўрсатилган. Зигофит, флатерон, фланорин ва гипоглисан ушбу вақтга ишончли гипогликемик таъсир кўрстади. Уларнинг самарадорлиги 20,4; 20,4; 19,6 ва 31,4% ни ( $p < 0,05$ ) ташкил этди. Экдистерон (20-гидроксиэкдизон) нинг ҳосилалари орасида: 22-О-Пропионат-20-гидроксиэкдизон, 6-N-Гидразон-20-гидроксиэкдизон, 22,25-Диацетат-20-гидроксиэкдизон ва 2,3-О-Ди-(этилкарбонат)-20,22-О-карбонат-20-гидроксиэкдизон (охиргиси шартли равишда Э-7 бирикмаси номини олди) яққол қанд миқдорини камайтирувчи таъсир кўрсатди ва уларнинг самарадорлиги мос равишда 22,8; 25,1; 29,6 ва 32,7% ни ташкил этди. Манинил, метформин, глюкокейр ва арфазетин референс-препаратларининг гипогликемик таъсири шу ҳолатда мос равишда 37,1; 17,3; 14,0 ( $p < 0,05$ ) ва 11,1% ни ( $p > 0,05$ ) ташкил этди.

Янги ўрганилаётган препаратларнинг кўп маротаба юборилганда гипогликемик фаоллиги ошиб борди. Барча гуруҳлардаги қанд миқдори бошланғич қиймати ўртача 5,3 мМ/л ташкил этган бўлса, 7 кундан сўнг шу гуруҳларда унинг камайиши 20,8-31,5%, 14 кундан сўнг 24,5-33,3%, 21 кундан сўнг 30,2-35,2% атрофида ташкил этди. Манинил 3 ва 7 кундан сўнг 37,7 и 39,6% ни ташкил этувчи гипогликемик таъсир кўрсатди, лекин 14 ва 21 кунларда унинг мувофиқ фаоллиги пасайиб, 28,3 и 24,5% ни ташкил этди. Метформиннинг самарадорлиги шу муддатларда 22,0; 26,0; 28,0 32,0% ни ташкил этди. Глюкокейр ва арфазетин ўсимлик препаратлари кўриб чиқилган муддатларда гипогликемик таъсирининг бир оз кучайиши билан тавсифланса ҳам, у кучсиз ифода бўлди (мос равишда 16,7; 18,5; 20,4; 20,4% ва 12,0; 16,0; 14,0; 18,0%).

Ўрганилаётган моддаларнинг қанд миқдорини туширувчи таъсири тажрибавий гипергликемияларда ҳам аниқ намоён бўлди. Экзоген глюкозани гипергликемик таъсирининг юқори нуқтасида (юборилгандан 30 дақиқадан сўнг) назорат ҳайвонларида қанд миқдори 70,9% га кўтарилса, бундан 2,5 соат аввал зигофит, флатерон, фланорин, гипоглисан ва Э-7 бирикмаси юборилган каламушларда бу кўтарилиш мос равишда фақат 35,2; 32,7; 26,3; 19,6 ва 20,0% ни ташкил этди. Натижада глюкоза (назорат) юборилган 30 дақиқадан сўнгги

таъсирларининг фарқи ва ўрганилаётган препаратларнинг таъсири шу вақтга нисбатан ишончли бўлди ( $p < 0,001$ ). Шунини белгилаб ўтиш керакки, шундай тартибда скрининг тадқиқотлар ўтказилганда, соғлом ҳайвонларда кам таъсир кўрсатиб, гипергликемик ҳолатларда аниқ гипогликемик самарадорликка эга бошқа индивидуал ва жамланма моддалар, ҳамда комбинацияланган ўсимлик препаратлари топилган. Булар, леукомизин (лактон), аймалицин (алкалоид), аммофлан (флавоноидлар жамланмаси), адаптоник (шартли номи) – *Silene viridiflora*, *Apium graveolens*, *Tribulus terrestris* ва *Glycyrrhiza glabra* дан иборат экстрактив препарат. Аммо улар, кейинги тажрибаларда кўрсатилганидек, бошқа йўналишларда фойдаланилганда аҳамиятлироқ эканлиги намоён бўлди. Қанд миқдорини туширувчи препаратлар билан солиштирилганда, ҳайвонларга глюкоза юбориб чақирилган гипергликемия ҳолатида, деярли ҳамма ўрганилаётган моддаларнинг субстанциялари фаоллиги бўйича манинилдан камроқ (гипоглисан ва Э-7 бирикмаси фаоллиги унга яқин), метформин билан солиштирилганда яққол таъсир кўрсатишга мослик (ёки аналогик эффект кўрсатди) ва ўсимлик препаратлари арфазетин ва глюкокейрдан устунлиги аниқланди.

Зигофит, флатерон ва гипоглисан таъсири аллоксан гипергликемия шароитида баҳоланганда ҳам яққол гипогликемик таъсирли аналогик маълумотлар олинди (1-жадвал). Шу препаратларнинг ўзи уларни аллоксан гипергликемияли каламушларда постпрандиал гликемияга таъсирини ўрганишда ҳам етарлича самарадорлик кўрсатди.

1-жадвал

**Зигофит, флатерон ва гипоглисанни юборилганда манинил, метформин ва глюкокейр билан солиштирилган ҳолда аллоксан гипергликемияли каламушларда қондаги қанд миқдорига таъсири ( $M \pm m, n=6$ ).**

Тажриба шароити	Гликемия миқдори, мМ/л				
	Бошланғич	24 соатдан сўнг	48 соатдан сўнг	72 соатдан сўнг	96 соатдан сўнг
Назорат	5,4±0,22	10,5±0,81*	15,4±0,52*	18,4±0,66*	19,1±0,56*
Зигофит	5,4±0,19	8,5±0,44* <sup>1</sup>	8,4±0,39* <sup>1,3</sup>	9,6±0,27* <sup>1,2,3</sup>	9,8±0,27* <sup>1,2,3</sup>
Флатерон	5,4±0,21	8,5±0,81* <sup>1</sup>	8,8±0,13* <sup>1,3</sup>	9,6±0,13* <sup>1,2,3</sup>	10,2±0,28* <sup>1,2,3</sup>
Гипоглисан	5,4±0,19	6,9±0,12* <sup>2,3</sup>	7,7±0,15* <sup>3</sup>	8,5±0,31* <sup>3</sup>	8,3±0,30* <sup>3</sup>
Манинил	5,3±0,26	7,0±0,20* <sup>3</sup>	7,6±0,16* <sup>3</sup>	8,1±0,19* <sup>3</sup>	7,9±0,12* <sup>3</sup>
Метформин	5,4±0,22	8,0±0,34* <sup>3</sup>	8,2±0,29* <sup>3</sup>	8,8±0,22* <sup>3</sup>	9,0±0,14* <sup>3</sup>
Глюкокейр	5,4±0,21	9,5±0,25*	13,5±0,52* <sup>3</sup>	14,6±0,35* <sup>3</sup>	15,3±0,47* <sup>3</sup>

Эслатма. \* – бошланғич кўрсаткичларга нисбатан аниқлик, \*\* – мос равишдаги назоратга нисбатан, <sup>1</sup> – тажриба гуруҳларида олинган натижаларнинг манинил юборилгандаги натижаларга нисбатан аниқлик, <sup>2</sup> – метформинга нисбатан, <sup>3</sup> – глюкокейрга нисбатан (аниқлик миқдори  $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг “Зигофит, флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмасининг тажрибавий аллоксан диабетининг кечишига таъсирини ўрганиш натижалари” деб номланган тўртинчи бобида тўғридан-тўғри шакллланган аллоксанли диабет шароитида ўрганилаётган моддалар субстанцияларининг гипогликемик таъсири кўриб чиқилган. Шулар

аниқландики, улар бир маротаба юборилгандаёқ қондаги қанд миқдорининг бошланғич кўрсаткичларига боғланмаган ҳолда (барча каламушлар олдиндан уч гуруҳга бўлинган: I гуруҳда қондаги қанд миқдори 8,3 мМ/л гача, II - 13,8 мМ/л гача ва III - 22 мМ/л гача бўлган) етарлича самарали камайтиради. III гуруҳдаги (диабетнинг оғир даражаси) барча ўрганилаётган субстанцияларнинг гипогликемик таъсири пастроқ бўлса ҳам, статистик аниқ эди. Манинилнинг I гуруҳ (диабетнинг енгил даражаси) ҳайвонларига таъсири кучлироқ намоён бўлди. II (диабетнинг ўртача оғирлик даражаси) ва III гуруҳ ҳайвонларида манинилнинг таъсири камайиб борди. Метформин ва айниқса глюкейр барча ҳолатларда камроқ таъсир қилди. Кўп маротаба юборилганда ҳам ўрганилаётган препаратлар барча гуруҳдаги ҳайвонларда гликемия миқдорини самарали камайтирди (2-жадвал). Бундан ташқари вақт ўтиши билан флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмасининг гипогликемик таъсири ошиб борди (зигофитнинг кузатув муддатларидаги таъсири III гуруҳда кам ўзгарди). Манинилнинг гипогликемик таъсири эса вақт ўтиши билан сезиларли камайиб борди. Манинилнинг қондаги қанд миқдори юқори бўлган ҳайвонлардаги тажрибаларда ва айниқса узок вақт давомида берилганда нисбатан паст таъсирининг намоён бўлиши ошқозон ости безидаги функционал фаол  $\beta$ -хужайраларнинг борлиги зарурий шароит ҳисобланади (Бертрам Г. Катцунг, 1998; Машковский М.Д., 2008). Аллоксан эса ошқозон ости безининг  $\beta$ -хужайралари билан танланган ҳолда метаболизмга учрайди ва юқори зарарли бўлган эркин радикаллар ажратади. Натижада панкреатик  $\beta$ -хужайраларнинг секретор фаоллиги камаяди, уларнинг морфоструктураси бузилади, ва кейинчалик глюкозага чидамлилиги пасаяди (Полторақ В.В. ва ҳаммуалл., 1990). Метформин биринчи иккита гуруҳда манинидан камроқ таъсир кўрсатди, учинчи гуруҳда унинг таъсири сезиларли кўпайди, бунинг изоҳи сифатида метформиннинг ўзгача таъсир механизми билан тушунтирилади (Inzucchi, S.E., 2012; Richy, F.F., 2014; Madiraju, A.K., 2014). Глюкейр ўсимликлардан олинган препарати барча гуруҳларда энг паст таъсир кўрсатди.

Зигофит, флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмаларининг аллоксан диабетли каламушларда юқори кўрсаткичларни кўрсатувчи суткалик глюкозурияга (Баранов В.Г. ва ҳаммуалл., 1983) таъсирини ўрганилганда қуйидаги натижалар аниқланди (тажрибага қондаги қанд миқдори 13,8 мМ/л гача бўлган ҳайвонлар олинди). Бунда, назорат гуруҳидаги суткалик глюкозурия  $0,99 \pm 0,13$  г ни ташкил этди, ўрганилаётган препаратларни бир ҳафта мобайнида юборилиши эса сийдикдаги қанд миқдорининг мос равишда 57,6; 58,6; 80,8 ва 85,9% камайишига олиб келди. Манинил ва метформин юборилгандаги аналогик таъсир 64,6 ва 62,6% ни ташкил этди, яъни зигофит ва флатероннинг шу муддатдаги таъсиридан камгина устунроқ бўлди, лекин гипоглисан ва Э-7 бирикмасининг таъсирига нисбатан пастроқ бўлди. Глюкейр таъсири натижасида суткалик сийдикдаги қанд миқдори 38,4% га камайди ва бу кўрсаткич ўрганилган моддалар орасида энг паст



**Зигофит, флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмалари кўп маротаба юборилганда манинил, метформин ва глюкоз билан солиштирган ҳолда энгил, ўртача ва оғир даражада кечувчи диабетда қондаги қанд миқдорига (ҚҚМ) таъсири ( $M \pm m$ ,  $n=6$ )**

Тажриба шароити	Ўрганилаётган моддалар	Гликемия миқдори, мМ/л			
		Бошланғич	7 кундан сўнг	14 кундан сўнг	21 кундан сўнг
Энгил даражадаги диабет (ҚҚМ 8,3 мМ/л гача)	Назорат	8,2±0,21	8,5±0,18	8,4±0,22	8,6±0,19
	Зигофит	8,1±0,29	6,0±0,24***	5,5±0,16***	5,4±0,17*
	Флатерон	8,3±0,54	5,8±0,41***	5,6±0,42***	5,3±0,35*
	Гипоглисан	8,3±0,49	5,7±0,38***	5,5±0,50***	5,1±0,32* <sup>3</sup>
	Э-7 бирикмаси	8,2±0,38	5,5±0,41***	5,4±0,40***	5,0±0,43*
	Манинил	8,3±0,47	5,1±0,46***	4,9±0,36***	4,8±0,35*
	Метформин	8,1±0,49	5,6±0,48***	5,5±0,39***	5,4±0,37*
	Глюкоз	8,2±0,55	6,6±0,43***	6,5±0,43***	6,4±0,48*
Ўртача оғирликдаги диабет (ҚҚМ 13,8 мМ/л гача)	Назорат	12,8±0,53	13,4±0,47	14,0±0,19	13,9±0,37
	Зигофит	13,2±0,61	9,4±0,62*** <sup>3</sup>	9,5±0,46*** <sup>3</sup>	9,2±0,58*** <sup>3</sup>
	Флатерон	13,4±0,74	9,2±0,72*** <sup>3</sup>	8,8±0,51*** <sup>3</sup>	8,5±0,34*** <sup>1,3</sup>
	Гипоглисан	13,6±0,53	9,1±0,40*** <sup>3</sup>	8,2±0,39*** <sup>3</sup>	7,6±0,49*** <sup>1,2,3</sup>
	Э-7 бирикмаси	13,7±0,47	8,8±0,45*** <sup>3</sup>	7,9±0,46*** <sup>1,2,3</sup>	7,4±0,45*** <sup>1,2,3</sup>
	Манинил	13,6±0,56	9,8±0,53***	9,6±0,60***	10,1±0,47***
	Метформин	13,6±0,56	9,4±0,46***	9,3±0,40***	9,1±0,33***
	Глюкоз	13,8±0,52	11,4±0,60***	11,3±0,58***	11,2±0,53***
Оғир даражадаги диабет (ҚҚМ 22 мМ/л гача)	Назорат	20,7±0,88	20,3±1,11	21,0±1,00	21,5±0,93
	Зигофит	21,2±0,84	16,2±0,95***	16,6±1,20***	16,7±0,37*** <sup>1</sup>
	Флатерон	21,1±0,99	15,8±0,54*** <sup>3</sup>	14,6±0,53*** <sup>1,3</sup>	14,0±0,38*** <sup>1,2,3</sup>
	Гипоглисан	22,0±0,58	14,8±0,83*** <sup>1,3</sup>	13,6±0,42*** <sup>1,2,3</sup>	13,2±0,31*** <sup>1,2,3</sup>
	Э-7 бирикмаси	21,2±0,57	14,2±0,56*** <sup>1,3</sup>	13,0±0,63*** <sup>1,2,3</sup>	12,4±0,62*** <sup>1,2,3</sup>
	Манинил	21,8±0,75	17,6±0,76*	18,2±0,93*	19,3±0,77*
	Метформин	21,5±0,73	15,4±0,78***	15,8±0,80***	16,0±0,72***
	Глюкоз	21,6±0,70	18,0±0,70*	17,8±0,59***	17,7±0,64***

Эслатма. \* - бошланғич кўрсаткичларга нисбатан аниқлик, \*\* - мос равишдаги назоратга нисбатан, <sup>1</sup> - тажриба гуруҳларида олинган натижаларнинг манинил юборилгандаги натижаларга нисбатан аниқлик, <sup>2</sup> - метформинга нисбатан, <sup>3</sup> - глюкозга нисбатан (аниқлик миқдори  $p < 0,05$ ).

бўлди. Шунинг айтиб ўтиш керакки, интакт каламушларнинг суткалик сийдик миқдори (махсус сийдик йиғувчи қурилмаларда йиғилган)  $4,3 \pm 0,42$  мл ни ташкил этди, ўртача оғирликдаги диабетли каламушларда препаратларни 7 кун давомида юборилгандан сўнг сийдик миқдори кескин ошиб  $11,3 \pm 0,74$  мл ни ташкил этди. Зигофит, флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмасини 7 кун давомида юборилгандан сўнг суткалик сийдик миқдори мос равишда 35,4;

25,7; 49,6 ва 56,6% камроқ эди. Манинил, метформин ва глюкокейр суткалик сийдик миқдорини 45,1; 43,4 ва 22,1% камайтиришди.

Аллоксанли диабетда қондаги қанд миқдорининг кўтарилиши, глюкозурия ва ушбу патологиянинг бошқа ташқи кўринишларидан ташқари, ҳар хил орган ва тўқималарда углевод ва у билан яқиндан боғлиқ бўлган бошқа алмашинувларнинг чуқур бузилишлари кузатилади. Шунинг учун аллоксанли диабет моделида зигофит, флатерон, гипоглисан ва Э-7 бирикмаларининг бутун организм ҳолатини тасвирлаб берувчи жигардаги айрим углевод-фосфор ва липидларнинг алмашинувига таъсири ўрганилди. Мос тадқиқотларни ўтказиш мақсадида аллоксан юборилгандан 3 ҳафтадан сўнг гликемия миқдори 13,8 мМ/л дан ошмаган каламушлар ажратиб олинди. Ўрганилаётган препаратлар ва солиштирма препарат (бу ҳолда метформин) 21 кун давомида юборилди. 3-жадвалдан кўриниб турганидек, аллоксанли диабет ривожланганда жигардаги гликоген миқдори интакт назоратига нисбатан 64,1% га камаяди, СутК 98,6% кўтарилади, ПУК эса 35,9% камаяди. СутК/ПУК ОҚП ҳисобланадиган қиймати манфий томонга ўзгаради. Буларнинг ҳаммаси диабетли каламушларда аэроб оксидланиш жараёнларининг ёмонлашиб борганини белгилайди, демак энергия ҳосил бўлиш жараёнлари ҳам камайиб боради. Буларни жигардаги адениннуклеотидларнинг 31,4% камайиши ҳам исботлайди. Аллоксан диабетли каламушларга ўрганилаётган препаратларни юборилишида, баҳоланаётган кўрсаткичлар аниқ даражада нормаллашишга олиб келгани кўрсатилди. Бу ҳолда зигофит бошқа ўрганилаётган препаратлар орасида энг кам фаолликка эга бўлди. Флатеронда бу фаоллик яққолроқ, энг фаол таъсир эса гипоглисан ва Э-7 бирикмасида намоён бўлди. Бунда охириги икки препаратнинг таъсири кўпинча метформиннинг углевод-фосфор алмашинувига позитив таъсирдан устун бўлди.

